

3-26-2018

# Circumstances that should be proven in juvenile cases on criminal courts (comparative and legal analysis of national and foreign law)

N.A. Ramazanova

*Tashkent state university of law, Tashkent, 100047, Uzbekistan, n.ramazanova@tsul.uz*

Follow this and additional works at: [https://uzjournals.edu.uz/rev\\_law](https://uzjournals.edu.uz/rev_law)



Part of the [Criminal Law Commons](#)

---

### Recommended Citation

Ramazanova, N.A. (2018) "Circumstances that should be proven in juvenile cases on criminal courts (comparative and legal analysis of national and foreign law)," *Review of law sciences*: Vol. 2 , Article 29.

Available at: [https://uzjournals.edu.uz/rev\\_law/vol2/iss1/29](https://uzjournals.edu.uz/rev_law/vol2/iss1/29)

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Review of law sciences by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [brownman91@mail.ru](mailto:brownman91@mail.ru).



## CIRCUMSTANCES THAT SHOULD BE PROVEN IN JUVENILE CASES ON CRIMINAL COURTS. COMPARATIVE AND LEGAL ANALYSIS OF NATIONAL AND FOREIGN LAW

N.RAMAZANOVA<sup>a</sup>

Tashkent state University of law, Tashkent, 100047, Uzbekistan

## СЛУЧАИ, ТРЕБУЮЩИЕ ДОКАЗАТЕЛЬСТВ, В УГОЛОВНЫХ СУДАХ ПО ДЕЛАМ НЕСОВЕРШЕННОЛЕТНИХ. СРАВНИТЕЛЬНО-ПРАВОВОЙ АНАЛИЗ НАЦИОНАЛЬНОГО И ЗАРУБЕЖНОГО ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА

Н.РАМАЗОНОВА<sup>a</sup>

Ташкентский государственный юридический университет, Ташкент, 100047, Узбекистан

## ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ИШЛАРИ БЎЙИЧАЖИНОЯТ СУДЛАРИДА ИСБОТЛАНИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН ҲОЛАТЛАР. МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ҚОНУНЧИЛИКНИНГ ҚИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛИ

Н.РАМАЗОНОВА<sup>a</sup>

Тошкент давлат юридик университети, Тошкент, 100047, Ўзбекистон

**Аннотация:** мазкур мақолада вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноят ишлари бўйича исботланиши лозим бўлган ҳолатлар илмий-назарий жиҳатдан ўрганилиб, бир қатор хорижий мамлакатлар қонунчилиги ҳамда миллий қонунчилик нормалари қиёсий-ҳуқуқий таҳлил этилган. Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштиришга қаратилган илмий асослантирилган таклиф ва тавсиялар ўз аксини топган.

**Калит сўзлар:** вояга етмаганлар, исботланиши лозим бўлган ҳолатлар, қонунчилик.

**Аннотация:** в статье проводится научно-теоретическое исследование обстоятельств, подлежащих доказыванию по делам, связанным с преступлениями, совершенными несовершеннолетними, а также проведен сравнительно-правовой анализ норм национального законодательства и законодательства некоторых зарубежных стран. В результате проведенного исследования разработаны научно-обоснованные предложения и рекомендации по совершенствованию уголовно-процессуального законодательства Республики Узбекистан.

**Ключевые слова:** несовершеннолетние, обстоятельства, подлежащие доказыванию, законодательство.

**Annotation:** a scientific-theoretical study of the circumstances requiring to be verified on cases relating to crimes committed by juveniles was conducted, as well as a comparative legal analysis of the norms of national legislation and legislation of some foreign countries. As a result of research scientifically justified proposals and recommendations on advancing the criminal procedure legislation of the republic of Uzbekistan were worked out.

**Keywords:** *juveniles, circumstances subject to proof, legislation.*

### **Мавзунинг долзарблиги.**

Вояга етмаганларнинг рухий-психологик ва физиологик ривожланиши ўзига хосликларини инобатга олган ҳолда мамлакатимиз Конституциясининг 64-моддасида ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбур эканлиги мустақамлаб қўйилган. Мазкур қоида вояга етмаганларнинг катталарга берилаётган ҳамма ҳуқуқлардан фойдалана олмаслиги, ақлий ривожланиши ҳали тугалланмаганлиги ва бу орқали ўз ҳақ-ҳуқуқларини тўлиқ ҳимоя қила олмаслигидан келиб чиқиб, давлат томонидан алоҳида ғамхўрлик ҳамда имтиёзлар берилишига муҳтожлиги билан белгиланади.

Вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини қўшимча кафолатлаш, албатта, жиноят содир этган вояга етмаган шахсларга нисбатан ҳам амалда бўлади. Жумладан, жиноят содир этган вояга етмаган шахсларга нисбатан суд ишини юритишда Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида белгиланган иш бўйича исботланиши лозим бўлган ҳолатлар ҳар томонлама ва тўлиқ текшириб чиқилиши лозим.

Иш бўйича исботланиши лозим бўлган ҳолатларга ЖПКнинг умумий исбот қилиниши шарт бўлган ҳолатлар билан бирга вояга етмаганлар учун қўшимча қоидалар белгиланган. Улар ЖПКнинг 548-моддасида назарда тутилган бўлиб, *айбланувчининг ёши, вояга етмаганнинг шахсига хос хусусиятлар ва унинг саломатлик ҳолати, вояга етмаганнинг турмуш ва тарбияланиш шароитлари, катта ёшли далолатчилар ва бошқа иштирокчиларнинг бор ёки йўқлигини аниқлаш* масаласини камраб олади.

### **Мавзу юзасидан илмий-назарий ёндашув таҳлили.**

Бу борадаги назарий қарашларни таҳлил этадиган бўлсак, Ғ.А.Абдумажидов [1] ва А.Б.Қулахметов [2]лар исботланиши лозим бўлган ҳолатлар таркибига Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 548-моддасида белгиланган ҳолатларни киритадилар: вояга етмаган айбланувчининг ёши (туғилган куни, ойи, йили); турмуш ва тарбияланиш шароити; вояга етмаган шахс томонидан жиноят содир этишга олиб келган сабаблар ва шарт-шароит; катта ёшли далолатчилар ва бошқа ҳамтовоқларининг бор-йўқлиги.

Ғ.А.Абдумажидов вояга етмаган шахснинг саломатлиги ҳолатига доир маълумотларга тўхталиб ўтмайди ва ўз фикрини давом эттириб, вояга етмаганнинг ақлан заифлиги маълум бўлса, у ўз ҳаракатлари оқибатини тўлиқ англай олган-олмаганлиги аниқланиши керак эканлигини, мазкур жиҳатларни аниқлаш мақсадида вояга етмаганнинг ота-онаси, ўқитувчилари ва тарбиячилари сўроқ қилиниши шартлигини айтиб ўтади [3].

А.Б.Қулахметов эса вояга етмаганнинг ижтимоий шароитларини текширишда қуйидагиларни аниқлаш зарур: 1) вояга етмаганнинг ота-онаси; 2) агар бола қаровсиз ёки тарбиясиз қолган бўлса, бунинг сабабларини аниқлаш лозим; 3) оила тўлиқ бўлмаса, у ҳолда вояга етмаган шахснинг маънавий ривожланишига бу ҳолат қандай таъсир этганлигини аниқлаш мақсадга мувофиқ бўлади; 4) агарда вояга етмаган шахс болалар уйида, мактаб-интернатда тарбия кўрган бўлса, у қандай сабабларга кўра бу муассасага келиб қолганлиги ҳамда у ер унинг ҳаёти ва тарбиясига қандай таъсир кўрсатганлиги аниқланади [4].

Б.Нуриддинов исботланиши лозим бўлган ҳолатларга вояга етмаганларнинг ёши, вояга етмаганнинг ижтимоий рухий ҳолатидан келиб чиқадиган шахсига хос хусусиятлар, вояга етмаганнинг саломатлиги ҳақидаги маълумотлар, вояга етмаганнинг турмуш ва яшаш шароитлари, катта ёшли далолатчиларнинг мавжудлиги ҳолатлари билан бир қаторда вояга етмаганнинг ота-онаси ёки уларнинг қонуний вакиллари тўғрисидаги барча маълумотлар, вояга етмаганнинг моддий аҳволи ва унинг маълумоти, вояга етмаганнинг алоқалари, бўш вақтини ўтказиш муҳити, унинг қизиқиш доиралари, маҳаллада ва уйда ўзини тутиши, қандай уюшмаларга аъзолиги, жинсий қилмиш содир қилишдан аввал қандай ҳуқуқбузарликлар содир этгани, унга нисбатан қандай чоралар қўлланилгани ва бу чоралар қандай натижаларга олиб келгани тўғрисидаги маълумотлар, агар вояга етмаган шахс ҳеч қасрда ўқимаса ёки ишламаса, бунинг сабаблари, вояга етмаганларда жамиятга қарши бўлган дунёқараш ва кўникмалар қандай шароитларга асосан пайдо

бўлгани, жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар, вояга етмаганнинг жисмоний, ақлий ва руҳий ривожланиш хусусиятлари ҳақидаги маълумотлар, вояга етмаганнинг хулқ-атвори тўғрисидаги маълумотлар, хусусан, унинг илгариги ҳуқуқбузарликлари ва шу муносабат билан унга нисбатан қўлланилган чоралар ҳақидаги маълумотлар, жиноят туфайли етказилган зиён, ўсмирга нотўғри тарбия бериш орқали етказилган маънавий зиённинг даражаси каби ҳолатларни киритиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди [5].

Хорижий олимлар фикрларини ўрганар эканмиз, А.Г.Филлипов [6], Т.В.Аверьянова, Р.С.Белкин, Ю.Г.Корухов, Е.Р.Российская [7]лар исботланиши лозим бўлган ҳолатларнинг қуйидаги рўйхатини беради: 1) вояга етмаганнинг ёши (туғилган куни, ойи, йили); 2) вояга етмаганнинг яшаш ва тарбияланиш шароитларининг тавсифи; 3) психологик ривожланиш даражаси ва шахсига доир бошқа жиҳатлар; 4) вояга етмаганнинг жиноят содир этилишига катта ёшдагиларнинг таъсири; 5) агар вояга етмаганда психик касаллик билан боғлиқ бўлмаган психологик ривожланишда қолоқлик аломатлари аниқланса, вояга етмаган жиноятчининг ўз ҳаракатлари ижтимоий хавфлилигини англаши ва қилмишининг фактик характерини тушуниши ўрганилади.

А.Ф.Волынский, В.П.Лавровлар ҳам шу жиҳатлар ўрганилиши лозимлигини айтиб ўтиб, ўрганилаётган жиноят ишлари туркумида вояга етмаганнинг турмуш ва тарбия шароитларига алоҳида эътибор қаратиш кераклигини эътироф этади. Ушбу жараёнда оиланинг моддий шароитлари, вояга етмаган шахсда алоҳида мулк, маблағнинг мавжудлиги, ота-онасининг характеристикаси (таълими, касби, иш жойи, ахлоқий жиҳатлари, ўзаро ва болаларга муносабати, тарбия жараёнида мажбуриятларини бажариш даражаси, болаларнинг ота-оналарига бўлган муносабати) қўшимча эътибор талаб этади [8].

Г.М.Миньковский исботланиши лозим бўлган ҳолатларнинг кенгайган рўйхатини беради. Улар қуйидагилардан иборат: а) жиноят содир этиш вақтидаги аниқ ёш (туғилган куни, ойи, йили); б) ота-онасининг тавсифи; в) вояга етмаганнинг атроф-муҳит билан ўзаро муносабати ва танишлари доираси; г) вояга етмаган шахснинг ўқишга бўлган муносабати; д) илгари ҳуқуқбузарликлар содир этилганлиги факти; е) ўсмирнинг соғлиги, одатлари; ж) вояга етмаганнинг вақт ўтказиши; з) жиноятни содир этилишига туртки бўлган сабаб ва асослар [9].

А.Г.Филлипов, А.Ф.Волынский, В.П.Лавров, Г.М.Миньковскийлар томонидан илгари сурилган вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларни тергов қилиш чоғида исботланиши лозим бўлган ҳолатлар қаторида жиноятни содир этилишига туртки бўлган сабаблар ва шароитлар таҳлил этилади. Шу билан бирга, жиноятнинг сабабларини аниқлаш масаласи Жиноят-процессуал кодексидаги 548-моддада назарда тутилмаган бўлсада, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг тушунтиришларида кўзда тутилган. Олий суд Пленумида судлар вояга етмаганлар томонидан содир қилинган жиноят ишлари судда қўрилаётганда жиноятни келтириб чиқарган сабабларни аниқлаб, уларни бартараф қилиш учун хусусий ажрим чиқаришлари шарт эканлиги белгилаб қўйилган [10]. Бироқ Ўзбекистон Республикасида суд тушунтиришлари, яъни прецедентлар тавсиявий характер касб этиб, уларни қўллаш императив хусусиятга эга эмас. Шундан келиб чиқиб, вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларни тергов қилишда, вояга етган шахсларга нисбатан ўтказиладиган тергов жараёнидан фарқли ўлароқ, жиноятнинг содир этилиши сабаблари ва унга туртки бўлган шарт-шароитларни чуқур ўрганиш ва мазкур ҳолатни исботланиши лозим деб белгилаш мақсадга мувофиқ.

#### **Хорижий мамлакатлар қонунчилиги таҳлили.**

Бу борада хорижий мамлакатларнинг жиноят-процессуал қонунчилигини таҳлил этар эканмиз, миллий қонунчилигимиздан фарқли равишда Арманистонда вояга етмаганлар ишлари бўйича исботланиши лозим бўлган ҳолатлар сирасига вояга етмаганнинг ёши (туғилган куни, ойи, йили); турмуш ва тарбияланиш шароити; соғлиги ва умумий ривожланиш ҳолати (ЖПКнинг 440-моддаси) кабилар киритилади [11].

Россия Федерацияси ЖПКнинг 421-моддасига биноан вояга етмаган томонидан содир этилган жиноят бўйича юритилаётган тергов жараёни ва суд муҳокамаси даврида вояга етмаганнинг ёши, туғилган куни, ойи ва йили; вояга етмаганнинг турмуш ва тарбияланиш шароитлари, психик ривожланиш даражаси ва шахсининг ўзига хос хусусиятлари; вояга етмаганга катта ёшдаги шахсларнинг таъсири каби ҳолатлар исботланиши лозим. Ақли норасолик билан

боғлиқ бўлмаган психик ривожланиш даражаси сустиги аниқланган ҳолатларда, шунингдек вояга етмаган ўз ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги)нинг фактик характери ёки ижтимоий хавфлилик даражасини тўлиқ англаган ёхуд бошқара олганлиги қўшимча равишда текширилади [12]. Айнан қоидалар Қирғизистон Республикаси ЖПКда ҳам мустаҳкамланган бўлиб, унга кўра вояга етмаганнинг ёши (туғилган куни, ойи, йили); интеллектуал, психик ривожланиши даражаси ва бошқа шахсга доир хусусиятлар, шунингдек турмуш ва тарбияланиш шароитлари; катта ёшдаги далолатчилар ва иштирокчиларнинг бор ёки йўқлиги ўрганилиши талаб этилади (ЖПК 392-моддаси) [13]. Болгария жиноят-процессуал қонунчилигининг 387-моддасига биноан дастлабки суд тергови жараёнида вояга етмаганнинг шахси тўғрисидаги маълумотлар тўпланади, жумладан, вояга етмаганнинг туғилган куни, ойи ва йили, таълим, турмуш тарзи ва шароитлари тўғрисидаги маълумотлар ўрганилиши билан бир қаторда, жиноят вояга етган шахс таъсири натижасида содир этилганми ёки йўқми текширилиши лозим [14].

Ўзбекистон Республикаси билан ўхшаш қоидалар Озарбайжон ҳамда Қозоғистон давлатларининг Жиноят-процессуал кодексларида мустаҳкамланган [15]. Қозоғистон Республикаси ЖПКнинг 481-моддасига биноан вояга етмаганнинг ёши (туғилган куни, ойи, йили), турмуш ва тарбияланиш шароитлари, интеллектуал, иродавий ва психик ривожланиш даражаси, феъл-атвор ва темперамент хусусиятлари, эҳтиёжлари ва қизиқишлари, катта ёшдагиларнинг ва бошқа вояга етмаганларнинг таъсири ўрганилиши лозим [16].

Миллий жиноят-процессуал қонунчилигимиздан фарқли ўлароқ, айрим давлатларда текширилиши лозим бўлган ҳолатлардан бири сифатида вояга етмаганнинг жиноят содир этишига туртки бўлган сабаблар ва шароитлар ўрганилади. Жумладан, Туркменистон ЖПКнинг 508-моддасига мувофиқ, вояга етмаганнинг ёши (туғилган куни, ойи, йили); турмуш, яшаш ва тарбияланиш шароитлари; жиноят содир этилишига туртки бўлган сабаб ва шароитлар; интеллектуал, иродавий ва психик ривожланиш даражаси, феъл-автор ва темперамент хусусиятлари, эҳтиёжлари ва қизиқишлари; тенгдошлари, катта ёшдагилар, далолатчиларнинг таъсири текширилиши зарур [17]. Тожикистон Республикаси жиноят-процессуал қонунчилигига кўра, вояга етмаганнинг ёши (туғилган куни, ойи, йили); турмуш, ўқиш ва тарбияланиш шароитлари; жиноят содир этилишига туртки бўлган сабаб ва шароитлар; далолатчи ёки бошқа иштирокчиларнинг мавжудлиги каби ҳолатлар қўшимча ўрганилиши талаб этади (ЖПКнинг 90-моддаси) [18]. Молдова ЖПКнинг 475-моддасига биноан, вояга етмаганларнинг ишлари бўйича вояга етмаганнинг ёши (туғилган куни, ойи, йили); кундалик турмуш ва тарбияланиш шароити, унинг интеллектуал, иродавий ва психологик ривожланиш даражаси, феъл-атвори ва темпераменти хусусиятлари, унинг қизиқишлари ва талаблари; катта ёшдагиларнинг ёки бошқа вояга етмаганларнинг таъсири; жиноят содир этилишига туртки бўлган сабаб ва шароитлар билан боғлиқ ҳолатлар исботланиши лозим [19]. Грузия жиноят-процессуал қонунчилигининг 320-моддаси (вояга етмаганларга нисбатан кўзғатилган ишларни тергов қилишнинг ўзига хос хусусиятлари)га кўра, вояга етмаганга нисбатан кўзғатилган иш бўйича ўтказилаётган тергов жараёнида вояга етмаганнинг турмуш шароити, тарбияланиши, ривожланиши ҳолати, оиладаги муҳит ҳамда унинг характери ва хулқ-атворининг ўзига хос хусусиятларини баҳолашга имкон берувчи бошқа шароитлар ўрганилиши мақсадга мувофиқ [20].

Таҳлил этилган мамлакатларнинг жиноят-процессуал қонунчилигидан фарқли равишда, қатор мамлакатлар (мисол учун, Украина [21], Латвия [22], Белоруссия [23], Германия [24], Хитой Ҳалқ Республикаси [25])нинг Жиноят-процессуал кодексига вояга етмаганларнинг ишлари бўйича қўшимча исботланиши лозим бўлган ҳолатлар ажратиб кўрсатилмайди.

**Хулоса ўрнида таъкидлашимиз лозимки**, иш бўйича исботланиши лозим бўлган ҳолатларни синчковлик билан текшириш вояга етмаган шахс томонидан содир этилган жиноятнинг тўғри квалификация қилинишига, жиноят тез, тўлиқ ва тўғри очилишига, шунингдек шахсга қонуний ва асосли, инсонпарвар жазо тайинланишига, енгиллаштирувчи ҳолатларнинг тўғри қўлланилишига олиб келади. Ушбу ҳолат вояга етмаган шахснинг келажагига ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 548-моддаси қуйидаги таҳрирда баён этилиши лозим мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

“548-модда. Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича исботланиши лозим бўлган ҳолатлар

Дастлабки тергов ҳаракатлари ва суд муҳокамаси даврида вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича, ушбу Кодекснинг 82–84-моддаларида кўрсатилган ҳолатлардан ташқари, қуйидагилар исботланиши лозим:

- 1) вояга етмаган айбланувчининг аниқ ёши (туғилган йили, ойи, куни);
- 2) вояга етмаганнинг шахсига хос хусусиятлар ва унинг саломатлиги ҳолати;
- 3) унинг турмуш ва тарбияланиш шароитлари;
- 4) катта ёшли далолатчилар ва бошқа иштирокчиларнинг бор ёки йўқлиги;
- 4)<sup>1</sup> вояга етмаган томонидан жиноят содир этилишини келтириб чиқарган сабаблар ва асослар.

Ақли норасолик билан боғлиқ бўлмаган психик ривожланиш даражаси суғлиги шунингдек, вояга етмаган ўз ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги)нинг фактик характери ёки ижтимоий хавфлилик даражасини тўлиқ англаган ёхуд бошқара олганлиги кўшимча равишда текширилади”.

### References:

1. Abdumajidov G‘.A. Kriminalistika. - T.: Adolat, 2003. - B.213.
2. Qulaxmetov A.B. Voyaga yetmaganlarning jinoyatlarini tergov qilish. - T.: O‘zbekiston Respublikasi IV Akademiyasi, 2003. - B.20.
3. Mualliflar jamoasi. Kriminalistika. Darslik. - T.: Fan va texnologiya, 2005. - B.331.
4. Qulaxmetov A.B. Voyaga yetmaganlarning jinoyatlarini tergov qilish. - T.: O‘zbekiston Respublikasi IV Akademiyasi, 2003. - B.20-21.
5. Nuriddinov B. Voyaga yetmaganlarning jinoyatlari. - T.: TDYUI, 2011. - B.27-28.
6. Fillipov A.G. Kriminalistika. - M.: Vissheye obrazovaniye, 2006. - S.426.
7. Averyanova T.V., Belkin R.S., Koruxov Yu.G., Rossiyskaya Ye.R. Kriminalistika. Uchebnik dlya vuzov. - M.: NORMA, 2000. - S.990.
8. Volinskiy A.F., Lavrov V.P. Kriminalistika. - M.: Yuniti Dana, 2009. - S.837.
9. Kollektiv avtorov. Kriminalistika. - M.: Yuridicheskaya literatura, 1981. - S.185.
10. O‘zbekiston Respublikasi Oliy sudi Plenumining 2000 yil 15 sentyabrdagi “Voyaga yetmaganlarning jinoyatlari haqidagi ishlar bo‘yicha sud amaliyoti to‘g‘risida”gi 21-son qarori. - T., 2000. - B.4.
11. Uголовно-протсесуалний кодекс Respubliki Armeniya, prinyat 01.07.1998.
12. Uголовно-протсесуалний кодекс Rossiyskoy Federatsii ot 18.12.2001 N 174-FZ (red. ot 01.05.2016).
13. Uголовно-протсесуалний кодекс Kirgizskoy Respubliki ot 30 iyunya 1999 goda № 63(s izmeneniyami i dopolneniyami po sostoyaniyu na 10.08.2012 g.).
14. Uголовно-протсесуалний кодекс Bolgarii ot 29.04.2006 g.
15. Uголовно-протсесуалний кодекс Azerbaydjanskoy Respubliki (utverjden Zakonom Azerbaydjanskoy Respubliki ot 14 iyulya 2000 goda № 907-IQ).
16. Uголовно-протсесуалний кодекс Respubliki Kazaxstan (s izmeneniyami i dopolneniyami po sostoyaniyu na 17.01.2014 g.).
17. Uголовно-протсесуалний кодекс Turkmenistana ot 1 iyulya 2009 goda.
18. Uголовно-протсесуалний кодекс Respubliki Tadjikistan (v redaksii Zakona RT ot 21.07.2010 g. № 618).
19. Uголовно-протсесуалний кодекс Respubliki Moldova Nr. 122 ot 14.03.2003.
20. Uголовно-протсесуалний кодекс Gruzii (na sostoyaniye ot 1 yanvarya 2016 goda)
21. Uголовно-протсесуалний кодекс Ukraini, prinyat 12 fevralya 2003 goda (RTI, 203, 27, 166), vstupil v silu 1 iyulya 2004 goda.
22. Uголовно-протсесуалний zakon Latvii, prinyatiy Seymom 21 aprelya 2005 goda i obnarodovanniy Prezidentom gosudarstva 11 maya 2005 goda (s izmeneniyami, vnesennimi po sostoyaniyu na 28 sentyabrya 2005 goda).
23. Uголовно-протсесуалний кодекс Respubliki Belarus ot 16 iyulya 1999 g. № 295-Z.
24. Uголовно-протсесуалний кодекс FRG
25. Uголовно-протсесуалний кодекс KNR (Prinyat 1 iyulya 1979 goda na 2-y sessii Vsekitayskogo sobraniya narodnix predstaviteley pyatogo soziva, s popravkami, vnesennimi Postanovleniyem, prinyatim na 4-y sessii Vsekitayskogo sobraniya narodnix predstaviteley vosmogo soziva 17 marta 1996 goda «O vnesenii izmeneniy v «Uголовно-протсесуалний кодекс KNR Kitayskoy Narodnoy Respubliki»).